2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 45 (301), 2021 йил 4 март, пайшанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ЕТИШМОВЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 3 март куни уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Аҳоли сони ўсиши билан уй-жойга эҳтиёж ҳам ошиши табиий. Шавкат Мирзиёев Президент вазифасига киришган илк паллаларданоқ бу долзарб масалани алоҳида эътиборга олиб, одамларни уй билан таъминлаш чораларини кўрди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги қарорига кўра, қишлоқларда, 22 ноябрдаги қарори билан эса шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурлар қабул қилинди. Улар асосида, ўтган тўрт йилда 140 мингта уй-жой барпо этилди. Йилига қурилган уйларнинг ўртача сони таққосланганда, бу аввалги даврдаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўпдир.

Лекин шу билан чекланиб қолинмайди. Уйга эҳтиёжи бор оилалар ҳали ҳам кўп. Бу бўйича халқдан мурожаатлар бўлмоқда. Яна минглаб уй-жойлар барпо этиш, лойиҳа ва қурилиш сифатини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги вазифалар муҳокама қилинди.

Президент аҳолининг барча қатламларини уй-жой билан таъминлаш, бу борада танлаш имкониятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Жумладан, давлат ипотека дастури доирасида жами 45 мингта уй қурилади.

Шундан "Қишлоқ қурилиш инвест" ва "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари томонидан 12 мингта уй, Молия вазирлиги тижорат банкларига жойлаштирадиган ресурслар ҳисобига 26 минг 500 та квартира, хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган 8 мингта хонадон фойдаланишга топширилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда якка тартибдаги уй-жой қуриш учун 500 тагача, жами 6,5 мингта оилага кредит берилади. Бундан ташқари, оғир турмуш шароитига тушиб, бошпанасиз қолган мингта оила, айниқса, аёлларга ижара асосида ижтимоий уй-жойлар ажратилади.

Ҳудудлар миқёсида айтганда, Қорақалпоғистонда 2290 та, Андижонда 4665 та, Бухорода 3220 та, Жиззахда 1670 та, Қашқадарёда 3710 та, Навоийда 1836 та, Наманганда 4025 та, Самарқандда 4479 та, Сурхондарёда 3989 та, Сирдарёда 1414 та, Тошкент вилоятида 4046 та, Фарғонада 4530 та, Хоразмда 3016 та ва Тошкент шаҳрида 7556 та уй-жой қуриб битказилади.

— Бугунги кунгача бундай ҳажмдаги қурилиш дастурини амалга оширмаганмиз. Шунинг учун ҳар бир вилоят ҳокими уй-жой масаласи билан чуқур шуғулланиб, аниқ ҳисоб-китобга эга бўлиши керак. Энг катта масала — бу уй-жойларнинг нархини адолатли шакллантириш. Бугунги нарх-наводан одамларимиз рози эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига қурилиш материалларини арзонроқ ва яқинроқдан олиб, бир квадрат метр уй нархини 4 миллион сўмдан оширмаслик чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Масалан, газобетон блокларини жойларда ишлаб чиқариш орқали таннархни камайтириш мумкин. Шу боис, "Ўзстандарт" агентлигига ҳар бир ҳудудда газобетон ишлаб чиқарувчиларни стандартларга ўргатиб, маҳсулотларини сертификатлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда қурилиш ишларининг молиявий манбалари ҳам кўриб чиқилди. Жорий йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида 11 триллион 500 миллиард сўм маблағ ажратилиши таъкидланди.

— Бу йилдан бошлаб, ипотека кредити бўйича молиявий ресурслардан етишмовчилик ва чекловлар бўлмайди, ҳудудлар қўшимча таклиф билан чиқса, ижобий ҳал қилинади, — деди давлатимиз раҳбари.

Фуқароларга якка тартибда уй қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳам кредит ажратилиши белгиланди. Бундай кредитлар 20 йилга ажратилади, эҳтиёжманд аҳоли учун фоизнинг бир қисми субсидия сифатида тўлаб берилади. Молия вазирлигига ушбу йўналиш учун 1,5 триллион сўм ресурс ажратиш, вилоят ҳокимларига қайси туманда қанча оилага кўмак бериш масаласини ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Уй-жойлар қурилиши учун давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, жорий йилда ипотека кредити бўйича 6 ойлик имтиёзли давр киритилади. Шаҳарларда дастлабки бадал миқдори 20 фоиздан 15 фоизга туширилади.

Паст даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 15 фоизлик дастлабки бадалнинг 10 фоизи субсидия сифатида тўлаб берилади. Яъни, аҳоли уй олиш учун дастлабки бадалнинг 5 фоизини тўлайди, холос.

Кредит олган аҳоли учун фоиз тўловларининг Тошкент шаҳрида 12 фоизи, бошқа ҳудудларда 10 фоизидан юқори қисмига субсидия берилади.

Шунингдек, қурувчи ташкилотларга пандемия даврида берилган имтиёзлар жорий йил якунигача узайтирилиши маълум қилинди. Жумладан, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан қурувчи ташкилотларга уй-жой қуриш учун жалб қилинган кредитлар бўйича 20 миллиард сўмгача кафиллик ҳамда Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмига компенсация берилади.

Йиғилишда оғир турмуш шароитидаги оилаларни ижтимоий ижара асосида уй билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бунинг учун ҳудудларга мингта квартира сотиб олиш учун маблағ ажратилиши қайд этилди.

Шу билан чекланиб қолмай, ижтимоий ижарани кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Мисол учун, хусусий уйлар ижара ҳақининг бир қисмига субсидия бериш ёки фойдаланилмаётган ётоқхоналарни таъмирлаб, ижтимоий ижарага ажратиш мумкин.

Мутасаддиларга бу борадаги тартибни ишлаб чиқиш ва энг муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

— Энг муҳим масала берилаётган имтиёзларни ҳалол-пок қўллаш бўйича адолатли тизим яратиш, бу борада одамларимизнинг хабардорлигини ошириш зарур, — деди Президент.

Шу мақсадда маҳаллий кенгаш депутатлари, жамоат фаоллари иштирокида "халқпарвар комиссия" ташкил этиш таклифи билдирилди. Улар қурувчига ернинг адолатли ажратилиши, имтиёзга мос эҳтиёжманд оилалар рўйхатининг шаклланиши ва қурилишлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Янги тизим асосида соҳада яратилаётган имкониятлар маҳаллаларда кенг аҳолига етказилади.

Молия вазирлигига 1 июнга қадар субсидия тўланадиган фуқароларни ижтимоий мезонлар асосида танлаш ва субсидия тўлаш жараёнларини автоматлаштириш вазифаси юклатилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 1 майгача кредит бериш ва субсидия олиш тартиблари, уй-жойлар ҳамда қурувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олувчи ипотека веб-порталини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир лойиҳа ипотека веб-порталига жойлаштирилиши ва барча учун очиқ эълон қилиниши, уйларнинг бўлажак эгаси сифатни назорат қилиш имконига эга бўлиши кераклиги таъкидланди.

Уйлар қурилишига салоҳиятли мутахассислар, замонавий моддий-техник базага эга, молиявий барқарор пудрат ташкилотларини рейтинг тизими асосида жалб қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Янги тартиб асосида қуриладиган уйлар бўйича техник назоратни амалга ошириш ҳудудлардаги Ягона буюртмачи хизматига юклатилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — БАА ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва молия соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида иккала томоннинг фаол саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистонда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда Амирликлар ҳукумати томонидан кўрсатилган ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, вазир Суҳайл ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Халифа Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди, шунингдек, мамлакатимизда БАА инвесторларининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Суҳбатда хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, Амирликлар бозори ва учинчи мамлакатларга етказиш бўйича агросаноат тармоғида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муқобил энергиядан фойдаланиш соҳасида, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини модернизация қилиш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни фаол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиришга, шунингдек, янги ишбилармонлик ташаббуслари доирасида инвестициялар портфелини кенгайтириш ва молиявий-техник кўмак дастурларини рўёбга чиқаришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим соҳасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи ташкилотлари иштирокида бошқарув соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш муҳим экани таъкидланди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 март куни видеоанжуман шаклида ўтадиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) 14-саммити ишида иштирок этади.**

1985 йилда ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунда нуфузли минтақавий бирлашма ҳисобланади. Ушбу кўп томонлама тузилманинг асосий мақсади савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, коммуникациялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва саноат каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда 10 та давлат ИҲТга аъзо. Булар —Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Афғонистон.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида ўтадиган учрашуви кун тартибидан COVID-19 дан кейинги даврда минтақада амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида минтақавий шерикликни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этиши, шунингдек, пандемия оқибатларини енгиб ўтиш, савдо алоқаларини тиклаш, саноат кооперациясини кучайтириш, транспорт ва логистика, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш, "яшил" иқтисодиёт ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифларни илгари суриши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб:

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни **хабардор қилган (маълумот учун)** ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма бараваридан юз бараваригача оширилади;**

нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати **бир ойдан ўн беш кунгача қисқартирилади;**

ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари **рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди;**

нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида бўлинмаси юридик шахс ҳисобланади, бунда **алоҳида бўлинмаларни ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинади.**

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, ўз ғоя ва ташаббусларини илгари сураётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 март

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати билан 2-бетда танишинг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича **илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш** мақсадида:

1. Белгилансинки:

**2021 йил 1 мартдан бошлаб** Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган **чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилади;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар **чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан** ҳам татбиқ этилади;

**2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга** қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича **фойда солиғи** (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув** ресурсларидан фойдаланганлик учун **солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланилади.**

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда — Жамоат фонди) маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг (кейинги ўринларда — Ассоциация) қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун **Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига давлат субсидиясини ажратиб бориш;**

Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонини **44 нафар** этиб белгилаш ҳамда уларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини икки бараварга ошириш;**

Ассоциация марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларини зарур техника, автотранспорт воситаси, офис анжомлари, мебель жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда бошқа **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.**

Ассоциацияга икки ҳафта муддатда Ассоциациянинг янгиланган тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Жамоат фондига "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунида зарур маблағлар кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

3. Ассоциация фаолиятининг **асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органларида, судларда, халқаро, хорижий, шунингдек, бошқа ташкилотларда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларини Ассоциацияга бирлаштириш, уларнинг фаолиятини йўналтириш, ривожлантириш, шунингдек, самарадорлиги ва сифатини оширишга кўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ва хорижий тузилмалар ҳамда давлат органлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббусларини амалга ошириш учун уларга қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратишга кўмаклашиш;

мамлакатда демократик жараёнларни барқарор ривожлантириш ва илгари суришда аъзолар ҳамда ҳамкорларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг ташкилотни самарали бошқариш, молиявий барқарорликка эришиш, ижтимоий муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, волонтёрларни, хайрия ва бошқа ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий менежмент, ижтимоий тадбиркорлик йўналишларида салоҳиятини ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учун қўлланмалар, ўқув дастурлари, китоблар, мамлакатимизга мос назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ассоциация раҳбари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси раисининг, Ассоциация ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари эса — ҳудудий жамоатчилик палаталари раисларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари масалалари бўйича **жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳатчилари ҳисобланади;**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридаги **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"**га ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини жойлаштириш **Ассоциациянинг тавсияномаси** асосида амалга оширилади.

Ассоциацияга бир ой муддатда кенг жамоатчилик таклифлари асосида нодавлат нотижорат ташкилотларини **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"**га жойлаштириш учун **тавсиянома бериш тартибини** ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва Ассоциациянинг халқаро **грант маблағлари ҳисобидан** иловага мувофиқ **2021–2022 йил**ларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги фуқаролик ташаббусларини амалга ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда шахсий билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи **коворкинг-марказларини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари коворкинг-марказларини ташкил этиш, шунингдек, ушбу ташаббуснинг самарали ва тўлиқ амалга оширилишида ҳар томонлама кўмаклашсин.

6. Белгилансинки:

фаолиятини устав мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида олиб борадиган ҳамда икки ёки ундан ортиқ маъмурий-ҳудудий бирликда алоҳида бўлинмаларига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари **республика нодавлат нотижорат ташкилотлари этиб эътироф этилади;**

фаолиятини устав мақсадларига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари **ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади;**

ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи** миқдорида давлат божи ундирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунининг **5-моддасида ижтимоий шерикликни амалга ошириш соҳалари белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идоралар белгиланган ижтимоий шериклик соҳаларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бериладиган давлат ижтимоий буюртмаларининг **2021–2023 йилларга мўлжалланган режа**ларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Адлия вазирлиги **(М.Икрамов)** вазирлик ва идораларга давлат ижтимоий буюртмасини бериш юзасидан услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. Адлия вазирлиги **(Р.Давлетов)** Олий суд **(К.Камилов)** ва Бош прокуратура **(Н.Йўлдошев)** билан биргаликда икки ҳафта муддатда давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг **нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний фаолиятига аралашганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи** қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ассоциацияга "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан биргаликда давлат ижтимоий буюртмалари рўйхати, унинг ижрочилари, ижро ҳолати ва эришилган натижаларни назарда тутувчи ижтимоий шериклик лойиҳаларининг **ягона базасини яратиш,** юритиш ҳамда расмий веб-сайтларига жойлаштириш тавсия этилсин.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **(А.Тошқулов)** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ассоциациянинг буюртманомаларига кўра, республикадаги олий таълим муассасалари талабалари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун Ассоциацияга мунтазам юборилишини таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги **(А.Камилов)** Ассоциацияга турдош хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, соҳа бўйича тажриба алмашиш учун уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда кўмаклашсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда тегишли молия, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг тузилмалари **ва уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқласин;**

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларидан мазкур жамоат фондларини сақлаш харажатларига ҳамда уларнинг асосий фаолият йўналишларини амалга ошириши учун **1,1 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағларни йўналтирсин;**

Ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида зарур шарт-шароитлар яратилган алоҳида хизмат хоналарини ажратсин.

13. Ассоциация марказий аппарати ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1А-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, адлия вазири Р.Қ. Давлетов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январ**гача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 март

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ–5014-сон қарорига илова*

# Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Каримбоева Шаҳзода Камоладдин қизи** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

**Оразбаева Гулсанем Жалғасбай қизи** — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

**Комилова Меҳриноз Ойбекжон қизи** — Андижон давлат тиббиёт институтининг 2-босқич магистранти

**Раджиева Гулхаёхон Шухратжон қизи** — Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси

**Салимова Амира Суннатжон қизи** — Бухоро вилояти Коғон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

**Умарқулова Динора Шерали қизи** — Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси

**Имомова Дилдора Шухрат қизи** — Жиззах политехника институтининг 4-босқич талабаси

**Мамарасулова Муқаддас Абдулқосим қизи** — Жиззах давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

**Аҳматова Ситорабону Зоҳиджон қизи** — Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

**Бердиева Ирода Худайшукуровна** — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

**Ибодуллаева Нафиса Муҳитдиновна** — Навоий давлат педагогика институтининг таянч докторанти

**Шомуротова Нодирабегим Одиловна** — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги ихтисослаштирилган маданият мактабининг 10-синф ўқувчиси

**Абдуллаева Манзура Насибилло қизи** — Наманган давлат университетининг 2-босқич магистранти

**Хушназарова Айшахон Адҳамжон қизи** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Хайруллаева Феруза Нурмат қизи** — "Республика ёш ижодкорлар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилоти матбуот котиби (Самарқанд вилояти)

**Шомуродова Моҳинисо Шавкат қизи** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

**Суннатова Мадина Ғофуржон қизи** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Ҳожибобоева Сарвиноз Ҳабибжон қизи** — Гулистон давлат университетининг 3-босқич талабаси

**Комилжонова Нилуфар Шухрат қизи** — Термиз давлат университетининг 3-босқич талабаси

**Омонова Умида Шуҳрат қизи** — Ўзбекистон шахмат федерациясининг Халқаро шахмат академияси спортчи-ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

**Деҳқонова Мадинабону Дилшод қизи** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

**Назарова Зилола Эргашбой қизи** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактаби тўгарак раҳбари

**Йўлдошева Фарзона Бахтиёр қизи** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактабининг 10-синф ўқувчиси

**Турсунова Дилнозахон Исроилжон қизи** — Фарғона политехника институтининг 4-босқич талабаси

**Жумабоева Шахзода Неъматжон қизи** — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

**Каримова Мадина Жуманазаровна** — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

**Ким Юлия Олеговна** — Республика олий спорт маҳорати мактабининг фигурали учиш бўйича мураббийи (Тошкент шаҳри)

**Рахимова Сайёра Яшин қизи** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

# АНҚАРАДА МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ ШАРАФИГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

**Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси ташаббуси билан жорий йил 3 март куни Туркий маданият халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙ ҳамда Анқара шаҳар муниципалитети билан биргаликда "Хива — туркий дунёнинг маданият пойтахти" халқаро дастури доирасида Туркия пойтахтида Муҳаммад ал-Хоразмий ёдгорлигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тантанали очилиш маросимида Туркияда амалий ташриф билан бўлиб турган Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов, мамлакатимизнинг Туркиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Аъзамхўжаев, Туркий маданият халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙ бош котиби ўринбосари Билол Чақичи, Туркия Буюк Миллат мажлисидаги "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Осман Местен, Анқара шаҳар Кечиўрен муниципалитети ҳокими Турғут Олтинўк, Анқара губернаторлигининг Кечиўрендаги вакили Ургут Булут, шунингдек, мамлакат илм-фан ва маданият доиралари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ал-Хоразмий ёдгорлигининг Анқара шаҳрида ўрнатилиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида ТУРКСОЙ томонидан эълон қилинган "Хива — туркий дунёнинг маданий пойтахти" халқаро дастури доирасида амалга оширилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Туркиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Аъзамхўжаев Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий инсоният тарихи ва тамаддунида алоҳида ўрин тутган буюк алломалардан бири эканини таъкидлади. Хоразмий мероси Ўзбекистоннинг, туркий дунёнинг башарият тарихида муҳим ўрин тутганини намойиш қилиб туради. Ушбу ҳайкалнинг "Хива — Туркий дунёнинг маданият пойтахти" халқаро дастури доирасида Анқарада очилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хоразмий алгебра фанининг асосчиси ҳисобланади. "Алгебра" сўзи унинг "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала" номли рисоласидан олинган. Олимнинг "ал-Хоразмий" номи эса "алгоритм" шаклида фанда абадий қолди. Унинг географияга доир асари эса дунёда шу йўналишда ўнлаб китобларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг "Зиж"и Ғарб ва Шарқ мамлакатларида астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди

Ал-Хоразмий шарафига Туркия пойтахтида ёдгорлик ўрнатилишида рамзий маъно бор. Чунки шаҳар қадимдан Европа ва Осиё ўртасидаги муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани туфайли бу ерда илм-фан ва маданият асрлар давомида ривожланиб келган.

Ёдгорлик Анқара шаҳрининг Кечиўрен туманидаги машҳур боғлардан бири — "Жўка водийси" ("Ihlamur Vadisi") ҳудудида ўрнатилди. Туркия пойтахтидаги мазкур сўлим боғ маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг севимли маскани ҳисобланади. Боғ 2016 йилда қайта таъмирланиб, 4,5 километрлик сунъий канал атрофида жойлашган сайилгоҳ сифатида сайқалланган.

Боғда, шунингдек, масжид, спорт машғулотлари учун махсус майдончалар ва бошқа қулайликлар яратилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунда Анқарада "Ўзбекистон" номли 3 та, "Тошкент" деб юритилувчи 12 та, "Самарқанд" номли 8 та ва "Бухоро" деб аталувчи 11 та кўча мавжуд.

Кечиўрен туманидаги машҳур боғда қад ростлаган Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкали эса Ўзбекистоннинг буюк илм-фани ва меросини тарғиб этувчи навбатдаги объектлардан бири бўлди.

Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкалининг расмий очилиш маросимидан сўнг Ўзбек миллий кийимлари кўргазмаси ва "Мендирман Жалолиддин" фильмининг намойиши бўлиб ўтди.

**"Дунё" АА**

*Анқара*

"МЕҲР-4"

# ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ: БАХТ ЗАМИНИГА ҚАЙТИШ САОДАТИ

**Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан қаерда бўлмасин Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилиниб, инсонпарварлик ғояси амалда ўз ифодасини топмоқда. Фикримизга 2 март куни "Меҳр-4" инсонпарварлик операцияси доирасида Афғонистондан 24 нафар ватандошимиз юртимизга олиб келингани далил бўлади.**

Бу фуқаролар, 19 нафар болалар, уларнинг 4 нафари чин етим бўлган мурғак қалблар Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудида жойлашган "Айритом" чегара пости орқали кутиб олинди ва тиббий кўрикдан ўтказилиб, Термиз туманидаги Даволаш ва соғломлаштириш марказига жойлаштирилди.

Дунёда нотинч мамлакатлар ҳам бор. Бу ҳудудлардаги жанговар ҳаракатлар, қуролли тўқнашувлардан тинч аҳоли, аёллар ва бегуноҳ болалар жабр чекаётгани, ҳалок бўлаётгани ғоят ачинарли, афсусланарли. Улар орасида бир вақтлар адашиб, ёлғон ваъдаларга ишониб ватанни тарк этган Ўзбекистон фуқаролари ҳам учрайди.

Афғонистон ва Покистон Ислом Республикалари ҳудудларига ўтиб, бугун афсус чекаётган, ўз хатосини англаб етган, аммо Ватанга қайтиш йўлини тополмай, надоматда юрган фуқароларимиз ҳам неча йилдирки Ўзбекистонни, яқинларини қўмсаб, соғиниб яшади.

Ниҳоят Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатига ҳамоҳанг Ўзбекистон ҳукумати уларга меҳр кўрсатди. Бу фуқаролар, асосан, болалар "Меҳр-4" инсонпарварлик операцияси доирасида юртимизга олиб келинди.

Ўзбекистон тинчликпарвар мамлакат. Бу Афғонистон билан яқин қўшничилик алоқалари тобора яхшиланиб, икки давлатнинг ҳамкор ташкилотлари ўртасида ижобий ишлар амалга ошириб келинаётганида ҳам ўз аксини топмоқда. Энг муҳими, ҳар қадамда инсон ҳуқуқлари таъминланмоқда, Ўзбекистон фуқаролари эса давлатимиз ҳимояси остида яшаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 1-иловада келтирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда:

уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати **180 кунга узайтирилади;**

тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига асосан тезлаштирилган тартибда **20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади** ҳамда солиқ суммаси қоплаб берилгандан сўнг, камерал солиқ текшируви умумий тартибда амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июлдан** бошлаб **қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган:**

**чорвачилик хўжаликлари**га — ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган **йирик ва майда шохли қорамоллар** тирик вазнининг **ҳар бир килограмми учун 2 000** сўм ҳамда сутининг **ҳар бир литри учун 200 сўм;**

**паррандачилик хўжаликлари**га — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган **тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм** ҳамда **парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 800 сўм;**

**балиқчилик хўжаликлари**га **— интенсив усулда етиштирилган** совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр)нинг **ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратилади.**

Ушбу бандда назарда тутилган **субсидиялар** қўшилган қиймат солиғидан **қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган** корхоналарга уларнинг субсидиялар олиш тўғрисидаги аризаларига асосан **кейинги ойнинг 25 санаси**гача ажратилади.

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзлари томонидан етиштирилган ва реализация қилинган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

"ЎзбекчорваНасл" агентлиги марказий аппарати тузилмасида **5 та штат бирлигидан иборат Паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш бошқармасини** ташкил этиш;

"Ўзбекчорванасл" агентлиги директорининг **паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари** лавозимини киритиш;

"Ўзбекчорванасл" агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар "Чорванасл" марказларида **2 та штат бирлигидан иборат паррандачилик ва қуёнчилик ишларини ривожлантириш секторини** ташкил этиш;

**Давлат ветеринария хизмати тизимида чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озуқаси таркибини таҳлил қилиш** ҳамда **паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича** лабораторияларни ташкил этиш;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек, ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш вазифасини юклаш.

6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекчорванасл" агентлиги марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар "Чорванасл" марказлари тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни ҳамда **чорва моллари ва паррандалар ва балиқлар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ва паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича** лабораториялар ходимларини мазкур қўмита тизимининг умумий штат бирликлари ҳисобига шакллантирсин.

**2021 йил 1 апрелга қадар чорва моллари ва паррандалар озуқаси таркибини таҳлил қилиш** ҳамда **паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича** лабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун **Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилсин.**

7. Қуйидагилар "Ўзбекчорванасл" агентлигининг паррандачилик ва қуёнчилик соҳасидаги **қўшимча вазифалари** этиб белгилансин:

паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, **ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини** изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини олиб бориш;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, маҳсулотлар нархлари шаклланишининг **мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;**

парранда ва қуёнлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан паррандачилик ва қуёнчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

**паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини етиштириш** ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган **инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил қилиш.**

8. Молия вазирлиги:

а) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда** балиқчилик хўжаликлари томонидан **сунъий сув ҳавзалари, уларда етиштириладиган балиқлар ва балиқчилик технологик ускуналарини суғурталаш тартибини** ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ ёки иссиқ келиши, портлаш, балиқхўр қушлар томонидан зарар етказилиши ва учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғриликлар (жиноят иши очилган бўлса) суғурта ҳодисалари сифатида суғурталаш тартибида назарда тутилсин;

б) "Ўзбекчорванасл" агентлиги билан биргаликда республикада фаолият юритаётган паррандачилик корхоналаридаги мавжуд паррандаларни турли касалликлар ва фавқулодда вазиятлар (электр энергияси ва табиий газдаги узилишлар) оқибатида нобуд бўлишини суғурталаш тартибини ишлаб чиқсин.

Бунда, паррандалар бош сонини суғурталаш бўйича суғурта товонининг **50 фоизигача бўлган қисми** Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **аҳолига сифатли ва арзон парранда ҳамда балиқ маҳсулотларини етказиб беришни ташкил этиш** мақсадида "Паррандасаноат" ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмалари таклифига асосан:

**паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига** ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум ҳудудлардан (арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ўтказилиши белгиланган жойлар негизида) ўрнатилган тартибда доимий савдо жойлари (нуқталари);

ҳар бир деҳқон бозорида ҳамда шаҳар (туман)даги аҳоли гавжум жойларда камида **2 тадан енгил конструкция асосида парранда ва балиқ маҳсулотлари** сотишга мўлжалланган савдо дўконларини қуриш учун жой ажратилишини таъминласин.

10. "Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси" АЖ рапс (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), писта (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), соя (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), балиқ уни ва ёғи, арпа, макка, фосфат (трикальций, монокальций, дикальций) ва холин хлорид маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни **биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин.**

Маҳсулотларни биржа орқали **миллий ёки хорижий валютада** импорт қилишга рухсат берилади.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси" АЖ билан биргаликда **икки ой муддатда** халқаро тажрибани ўрганган ҳолда биржа савдолари орқали маҳсулотлар импортини амалга оширишда **"биржа омбори"** хизматларидан фойдаланиш механизмини жорий этиш бўйича таклиф киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг чорвачилик йўналишидаги лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари лойиҳа доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномалар ва мол-мулклари билан биргаликда **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтказилсин.**

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш бўйича **Франция тараққиёт агентлигининг кредит линиясини 2021 йил 1 июлига** қадар ҳамда **Жаҳон банки кредит линиясини 2021-2022 йилларда** жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Марҳамат енгил саноат техникуми негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг **Андижон ветеринария медицинаси техникумини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча ветеринария медицинаси ва агротехнологиялар техникумларида паррандачилик, ветеринария, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчилик йўналишларида** мутахассислар тайёрлаш бўйича **давлат буюртмаси асосида** қабул квота параметрларини шакллантирсин.

15. **Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш,** ушбу туманларда замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида қуйидагилар:

Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури **2-иловага мувофиқ;**

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда Дастур доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича **прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;**

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда суғориш каналларини тозалаш ҳисобига қўшимча **ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари 4-иловага мувофиқ;**

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда пичанзор ва яйлов ерларида янгидан қазиладиган **кудуқлар дислокацияси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

16. Белгилансинки:

а) ушбу қарорнинг 4 ва 5-иловасига мувофиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида қуриладиган кудуқларга ўрнатиладиган насослар **тегишли агрокластер, фермер ва деҳқон хўжаликларининг балансига** ҳамда уларга ўрнатиладиган трансформатор ва электр узатиш тармоқлари "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" АЖ балансига ўтказилади.

в) Қашқадарё вилоятининг барча туманларида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга:

АТ Халқ банки ва бошқа тижорат банклари томонидан 2021-2022 йилларда хорижий молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан **50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги** маблағлар йўналтирилади;

Қашқадарё вилоятига 2021-2022 йилларда чет давлатлардан олиб келинадиган чорва молларини сотиб олиш учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига зарур кредитлар **ваколатли банклар томонидан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан ажратиб борилади.**

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

тадбиркорлик субъектларини чорвачилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни чорвачилик **соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш;**

чорвачилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек, **маҳаллий чорвадорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда иштирокини таъминлаш;**

қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида **кооперацияни йўлга қўйиш бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.**

18. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда лойиҳа ташаббускорларига ажратилаётган ер участкаларида уларнинг мурожаатига асосан, ер остидан сув чиқариш учун суғориш тик қудуқлари бурғилаш жойларини аниқласин ҳамда уларни хабардор қилсин.

19. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси суғориш тик қудуқларини бурғилаш лойиҳаларига гидрогеологик хулоса берилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни бўйича** ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 март

**МУНОСАБАТ**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

## давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланиб бормоқда



**Гулнора МАРУФОВА, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари**

**Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва асраб-авайлаш, касб-ҳунарли қилиш, бандлигини таъминлаш ҳамда уларга давлат томонидан манзилли ёрдам кўрсатишга Президентимиз доим долзарб масала сифатида қарайди.**

Жумладан, ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжманд, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини юритиш бўйича "Аёллар дафтари" ташкил этилди. Ўтган қисқа вақтда ушбу тизим орқали мамлакатимизда истиқомат қилаётган 6 миллион 385 мингдан зиёд хотин-қиз билан юзма-юз мулоқот қилиниб, ушбу дафтарга тўққизта мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз киритилди. Бугунги кунгача улардан 80 минг нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Энг муҳими, ушбу тизим бугунги аёлни нима қийнаяпти, унинг муаммоларини қандай ҳал этиш мумкин, деган саволлар ҳақида чуқурроқ ўйлаш ва муаммоларга зарур ечим топишни ўргатди. Энди ҳар бир аёлнинг муаммосини ечиш бўйича аниқ ва манзилли режа ишлаб чиқилиб, бу орқали маҳалладаги қайси аёл билан қай тартибда ҳамда ким билан ҳамкорликда, қандай ишлаш кераклиги маълум бўлди.

Бироқ тан олиш керак, ҳали соҳада бажариладиган ишлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Шу боис ҳам жорий йил 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу борадаги муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб, соҳадаги мавжуд камчиликларни танқидий таҳлил қилган ҳолда, бажарилиши зарур бўлган муҳим вазифа ва топшириқларни белгилаб берди.



Жумладан, йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди. Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бирламчи вазифаси экани, бу борада улар зиммасида жуда катта масъулият тургани, бунинг учун ҳар бир масъул маҳаллаларга, оилаларга кириб, турмушда қийналаётган аёллар, хотин-қизлар муаммоларига ечим топиши, бу бўйича янгича тизимда ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда сўз юритар экан, "Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб боряпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишлолмайди", дея масаланинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши аёл-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва касбий кўникмани эгаллаб, муносиб иш топишига кўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли иш олиб бориши зарурлиги айтилди. Шу билан бирга, ҳокимлар ва сектор раҳбарларига, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, паррандачилик ва экин майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Унга кўра, шу йил "Аёллар дафтари"даги етмиш мингга яқин хотин-қизни бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш белгиланиб, бу борада нодавлат ташкилотлар хотин-қизларга энг яқин кўмакчи бўлиб келаётгани, шу боис, бундай муассасаларга жой ажратиб, грантлар бериш зарурлиги таъкидланди.

Утган йили "Аёллар дафтари"ни шакллантириш, маҳаллаларда уй-ма-уй юриб хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш орқали ўттиз ёшдан юқори бўлган ўн бир минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан бир триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилган эди. Қолаверса, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 3 минг 335 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун 70 миллиард 922 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Эътиборлиси, йиғилишда мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтаётган ҳар бир тумандаги коллежларнинг бўш турган қисмини ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга ўттиз йилгача муддатга имтиёзли ижарага бериш вазифаси қўйилди. Бунга эса Бандлик жамғармасидан етмиш миллиард сўм ажратилиши, етмиш мингга яқин хотин-қизни тадбиркорликка жалб қилиш учун эса Халқ банки орқали икки триллион сўм кредит йўналтирилиши белгиланди.

Эҳтиёжманд оилалардаги қизларни олий таълимга кенгроқ жалб этиш бўйича янги қадам сифатида энди ҳар бир вилоят ҳокими маҳаллий бюджет ҳисобидан юз нафар, ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан эса олий маълумотли бўлиш истагидаги, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўттиз-эллик нафар хотин-қизнинг шартнома пули тўлаб бериладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу масалада сўз юритар экан, "...ота-онасининг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қоплаб берилади. Бу янги тизим. Илгари бундай қилолмасдик. Энди имконият бор", деди.

Йиғилиш давомида энг муҳим масалалардан бири сифатида оғир турмуш шароитида яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд аёлларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар атрофлича таҳлил этилди. Албатта, бугунги кунда юртимизда оилавий ажрашишлар, ишсизлик, етишмовчилик оқибатида уйга муҳтож бўлиб яшаётган аёллар талайгина. Шу боис, давлатимиз раҳбари бу муҳим масалани ҳар доим чуқур ҳис қилган ҳолда уларга муносиб шароит яратиш, муаммоларини бартараф этишга жиддий эътибор қаратади.

Хусусан, сўнгги йилларда бу борадаги изчил ислоҳотлар натижасида минглаб муҳтож аёлларга янги тураржойлар топширилди. Қолаверса, мамлакатимизда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими жорий этилди. Видеоселектор йиғилишида бу долзарб масала бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Унга кўра, вақтинча нотураржойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга ўн миллиард сўмдан, отасидан айрилган муҳтож қизлар манфаати учун беш миллиард сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди. Бу маблағлар эса уй-жойнинг бошланғич тўловини тўлаб беришга йўналтирилади. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга тураржой ижараси компенсацияси учун ўн бир миллиард сўм ажратилиши мамлакатимизда яшаётган кўплаб хотин-қизларнинг бу борадаги муаммоларига ечим бўлиши аниқ.

Албатта, видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикр ва таклифлардан тўғри хулоса чиқариб, бундан буён халқ ишончини, зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишимиз, ишга муносабатни тубдан ўзгартириб, амалий ишларимиз билан Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашимиз зарур. Зеро, бугун юртимиздаги барча ислоҳот ва саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, халқимиз, хусусан, хотин-қизларни рози қилишдек эзгу мақсад мужассам.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

БУГУННИНГ ГАПИ

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти



**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Маълумки, COVID-19 пандемияси бутун дунёда гуманитар инқирозни келтириб чиқарди, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча секторларига жиддий таҳдид соляпти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўнглаб бўлмас муаммоларни юзага келтирмоқда. Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қарийб 400 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллиондан ортиқ иш ўрни йўқотилган. Бундан, айниқса, аёллар ва ёшлар азият чекмоқда. Боз устига, озиқ-овқат таъминоти занжирларида катта узилишлар пайдо бўлди, истеъмол товарлари нархлари кескин кўтарилиши баробарида уларнинг тақчиллиги ҳам кузатилмоқда.**

### Биринчи қадам

Гарчи сўнгги пайтларда жаҳон миқёсида коронавирусни юқтириш билан боғлиқ янги ҳолатлар камайиб бораётган бўлса-да, ўлимлар сони кўпаймоқда, умумий вазият ҳамон беқарорлигича қолмоқда. Шу боис, охирги ойларда вируснинг навбатдаги тўлқини оқибатларини юмшатиш мақсадида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари карантин чораларини кучайтиряпти, ҳатто Европада локдаун ва комендантлик соатлари қайта жорий этиляпти.

Экспертларнинг фикрича, коронавирус туфайли инсоният ўз бошига тушган ижтимоий муаммолар қатори иқтисодий танглик оқибатларини бартараф этиш учун ҳали узоқ вақт курашади.

Хўш, кўринмас душманга қарши мураккаб урушнинг охири борми? Албатта. Ўзаро ҳамжиҳат бўлиш, умумий қоидаларга қатъий риоя этиш, адолатли тақсимот, тармоқлараро хавфсиз интеграцияни ривожлантириш ва трансчегаравий фаолиятга янгича ёндашиш бу балои қазони бартараф этишнинг нажот йўллари сифатида илгари суриляпти. Анъанавий озиқ-овқат тизимларини янги талаблар асосида кўриб чиқиб, уларни қайта ташкил этиш эса эзгу натижаларга эришиш борасидаги биринчи қадам бўлиши мумкин.

Зеро, 2020 йилда чегаралараро ҳаракатланиш бўйича мамлакатларда жорий этилган чекловлар ва изоляция режими озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш жараёнларига кескин таъсир ўтказди. Оқибатда далалар, плантацияларда ҳосилларни йиғиб олиш ўта даражада сустлашди ёки буткул тўхтаб қолди, жуда кўплаб озиқ-овқат корхоналари — гўшт, сутни қайта ишловчи цехлар, новвойхоналар, қандолат фабрикалари ёпилди, логистика издан чиқиб кетди. Ўз навбатида, мавсумий ишчилар яшаш учун маблағсиз қолди, маҳсулотларни етказиб бериш тизимида ҳамон тўсиқлар мавжуд.

Буларнинг барчаси ишсизлик, аҳоли даромадларининг камайиб кетиши, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари қимматлашиши, камбағаллик, очлик кўламининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур вазият келажак авлодга ҳам дахл қилаётгани янада таассуфлидир. Масалан, дунё бўйича ЯИМнинг ҳар бир фоизга пасайиши бўй ўсиши секинлашаётган болалар сонини 0,7 миллионтага кўпайтирар экан.

### Ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ

COVID-19 туфайли ҳамон давом этаётган глобал иқтисодий тебраниш пул оқимлари ва ишлаб чиқарувчилар, кичик ҳамда ўрта агрофирмалар, молия муассасаларининг молиявий ликвидлигига путур етказди ва етказмоқда. Даромаднинг пасайиши ёки, умуман, келиб тушмаслиги қувватлар, иш ўринларини қисқартириш, кутилмаган тиббий харажатларга олиб келаётир.

Тўғри, мана шундай мураккаб ва оғир паллада ҳеч бир давлат қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ҳар бири иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда давом этяпти.

Экспертларнинг айтишича, инқироздан чиқишнинг “йўл хариталари”ни яратишда, биринчи навбатда, озиқ-овқат тизими иштирокчилари эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ночор компаниялар ва уй хўжаликларидаги ликвидлик билан боғлиқ муаммоларни юмшатиш учун мақсадли чоралар кўриш зарур. Ўз навбатида, озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги муаммоларни биргина ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш билангина ҳал этиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Озиқ-овқат тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инфляцияга йўл қўймасликда эса давлат харидлари ҳамда тақсимоти тизими муҳим восита ҳисобланади.

### Бош котибнинг таклифи қандай?

Мутахассисларнинг қайд этишича, ижтимоий муҳофаза кичик фермер хўжаликлари ва уларнинг оилалари, кўмакка муҳтож аҳоли қатламлари, озиқ-овқат саноати ишчиларини қамраб олса, мақсадга мувофиқ. БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фикрича, ривожланаётган давлатларда тўлов қобилияти ва бюджет имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун халқаро маблағлар ҳажмларини ошириш, ташқи қарзларни тўлашни вақтинча тўхтатиш, уларнинг қарздорлигини реструктуризация қилиш зарур. Айниқса, иқтисодиёти хомашё ва туризмга боғланиб қолган мамлакатлар учун ушбу омиллар одамларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш ҳамда тикланиш жараёнларини тезлаштиришда катта аҳамиятга эга. Бу қатор минтақаларда пандемия билан биргаликда ўзаро қарама-қаршиликлар, табиий офатлар, иқлим ва об-ҳавонинг кескин ўзгаришидан азият чекаётган халқлар учун жиддий кўмакка айланади.

Умуман олганда, коронавирус пандемияси дунё иқтисодиётининг озиқ-овқат секторини ислоҳ этиш заруратини яққол кўрсатиб қўйди. Яна бир томони, мазкур жабҳа бугунги кунда иқлим ўзгариши ва экологик инқироз вужудга келишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, озиқ-овқат тизимларининг ҳиссаси атмосферага чиқарилаётган “иссиқхона газлари”нинг учдан бир қисмини ташкил этади ва биохилма-хилликка таҳдиднинг асосий сабабчиси саналади. Бинобарин, соҳада маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сотиш ва истеъмол қилиш, чиқиндиларни утилизация қилишда қўлланилаётган усулларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқишни, инновациялар, муқобил ва яшил технологиялардан кенг фойдаланишни даврнинг ўзи талаб этяпти. Пандемия ҳам озиқ-овқат тизимларини янгитдан мувозанатлаш ва ўзгартириш орқали унинг барқарорлигига сабабчи бўлиши мумкин.

### Уч тамойил

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу соҳага масъул тузилмаси — FAO бу борада учта тамойилни илгари суряпти:

— одамлар ва уларнинг даромад манбаларини сақлаб қолиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш, бу йўналишдаги энг катта хатарга эга соҳаларга эътиборни кучайтириш;

— озиқ-овқат етказиб бериш тармоғида ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш;

— инқироздан чиқиб кетиш ва келажак учун инвестиция йўналтиришда янада инклюзив, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат тизимини яратишни устувор вазифа, деб билиш.



Ўзбекистонда сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган ислоҳотларда айнан мазкур жиҳатларга эътибор қаратиляпти. Пандемия шароити бўлишига қарамай, озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, нарх-наволар барқарорлигини таъминлаш, соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам беришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар асло тўхтаб қолмагани, аксинча, жадаллашгани бунинг тасдиғидир. Бунда айнан аҳолини қўллаб-қувватлаш, янги даромад манбалари яратиш, яшил ва табиий ресурсларни тежайдиган технологияларга урғу берилаётгани, озиқ-овқат тармоқларида қатор акциз солиқлари бекор қилингани ижобий ҳолат саналади.

> **Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар устидан парламент ва депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш, соҳадаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш, ислоҳотларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш эса бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.**

### Турмуш сифатини ўзида уйғунлаштирган мезонлар

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этишнинг қандай йўллари белгилаб берилган?

**Биринчидан,** инфляциявий таргетлаш доирасида 2021 йилда инфляция даражасини 10 фоиздан оширмаслик ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш кўрсатиб ўтилди. Бунда ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, асосий истеъмол товарларининг нархлари мавсумий тебранишлари даражасидан келиб чиқиб, “хатар даражасининг таҳлили” тизимини жорий қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

> **Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилади. Бунда 2021 йилда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган 1 500 та янги лойиҳани ишга тушириш, бунинг учун 6 триллион сўм ажратиш назарда тутилган.**

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида “Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади”, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

**Иккинчидан,** инфляцияга номонетар омиллар таъсирини пасайтириш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилади, шу бўйича ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топади:

— озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик;

— импорт бозорида монополияга йўл қўймаслик, товарларни четдан олиб киришда рақобат шароитларини яхшилаш, шунингдек, ташқи бозорларни диверсификация қилиш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кафолатланган захирани яратиш, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришда квота асосида сотиб олиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш;

— асосий истеъмол товарларининг транспорт харажатларини субсидиялаш;

— тегишли ҳудудларнинг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (шакар, ёғ, ўсимлик ёғи, ун ва бошқалар) талабидан келиб чиқиб, уларни квота асосида бозор шароитларида сотиб олиш ва ички бозорга интервенция қилиш.

**Учинчидан,** ҳосилдорликни ғаллачиликда 8-10, мева-сабзавотчиликда 15-20 фоизга ошириш чоралари кўрилади.

**Тўртинчидан,** шоличиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида асосий майдонларда 20 фоизгача ва такрорий майдонларда 70 фоизгача кўчат усулида экиш жорий этилади.

**Бешинчидан,** органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳисобига экологик тоза, сифатли экспортбоп мева-сабзавотлар етиштирилади.

**Олтинчидан,** унумдорлиги юқори кўчатларни харид қилишда ҳамда халқаро сертификатларни (GlobalGAP, Organic) олиш харажатларининг 50 фоизини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг харажатлари фоиз ставкасининг тенг ярмини давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий этилади.

**Еттинчидан,** “Даладан истеъмолгача” тамойили асосида маҳсулотлар етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги кооперациялари рағбатлантирилиб, ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштироки таъминланади. Хусусан, бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларига Европа Иттифоқининг грант маблағлари йўналтирилади. Ушбу ҳудудларда 500 нафар ёш ва “Темир дафтар”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига 1 гектардан ер майдонлари ажратилади ва уларни мева-сабзавотчилик кооперацияларига бирлаштириш орқали янги иш ўринлари яратилиб, даромад олиши таъминланади.

**Саккизинчидан,** айни чоғда фойдаланишдан чиққан ерларни қайта киритиш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ерга ер қўшиш орқали қишлоқ хўжалиги ҳудудларида янги иш ўринлар яратилади ва 0,1-1 гектарлик кичик участкалардан иборат оилавий ва бошқа турдаги хўжаликлар кооперациялари ташкил қилинади. Шу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланади. Кооперациялар томонидан эса сифатли ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилиб, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт қилиш кўлами кенгаяди. Қишлоқ аҳолиси ва ёшларни доимий иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилаларни “Темир дафтар”дан чиқариш имкониятлари ошади.



**Тўққизинчидан,** аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилади. Бунда 2021 йилда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган 1 500 та янги лойиҳани ишга тушириш, бунинг учун 6 триллион сўм ажратиш назарда тутилган.

**Ўнинчидан,** аҳоли томорқаларига комплекс хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун республикамизнинг мева-сабзавот кўп етиштириладиган 32 та туманида томорқа хизмати кластерлари фаолияти йўлга қўйилади. Бунда техника хизмати кўрсатиш, совуткичли омборхоналар, кўчатчилик иссиқхоналарини қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш асосида томорқаларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, ички бозорга ва экспортга сотишда кўмаклашилади.

Бу масалаларнинг муҳимлиги 24 февраль куни Президентимиз раислигида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унда юртимизда боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Мазкур йўналишдаги ташаббуслар ва лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарблиги таъкидланди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, жорий йил 1 мартдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида боғ, ток ва иссиқхона учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли даври эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади. Ўз навбатида, давлат-хусусий шериклик асосида юқори ҳосилли, экспортбоп мева ва узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилади. Маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан уруғ ва кўчат сотиб олинганда, бунга кетган маблағнинг 20 фоизигача қисми тўлаб берилиши, муқобил энергияда ишлайдиган лимончилик иссиқхоналари қуриш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий қилиниши келажакда ўз ижобий натижасини бериши, шубҳасиз.

Мазкур ишларга уйғун тарзда давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатни одамларнинг истагига ҳамоҳанг, ўзгаришлар имкониятларини кенгайтириб берадиган навбатдаги дастуриламал дейиш мумкин. Зеро, унинг ижроси нафақат аграр тармоқда маъмурий ислоҳотларни тезлаштиради, балки мазкур стратегик секторни жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни татбиқ этишга қаратилган устувор йўналишларни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

### Элликдан ортиқ устунликнинг бири

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга иқтисодий, ижтимоий ва экологик механизмлар уйғунлигида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки бу нафақат пандемиянинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф этиш, тармоқларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, одамлар турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади, балки Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги салоҳиятини янада оширади. Гап шундаки, Гарвард университети тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга экан. Қайд этилишича, юртимизда нефть, газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал қатори айнан озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча шароитлар мавжуд. Давлат дастурида ҳам айнан мазкур тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича чоралар кўрилиши лозимлиги белгилаб берилганининг боиси ана шунда.

Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар устидан парламент ва депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш, соҳадаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш, ислоҳотларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш эса бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

Мухтасар айтганда, ўзаро ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад халқ манфаати устуворлигини таъминлашдан иборат бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навони арзон қилиш, шу орқали одамларни рози қилиш унинг асосий йўналишларидан биридир.





## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ: ФАОЛИЯТ ВА ТАҲЛИЛ

# ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ҲАР ОН, ҲАР ДОИМ ОГОҲ ВА ХИЗМАТГА ШАЙ



**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

**Юртимиздаги, оиламиздаги фаровонлик, ҳаётимиздаги ҳаловатни ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис, шукроналик ҳамда эртанги кунга ишонч туйғуси билан, яратувчанлик иштиёқида оламшумул ютуқ ва марраларга эришаётган халқимиз осойишталикни, ўзаро ҳамжиҳатликни энг бебаҳо неъмат сифатида қадрлайди.**

Аслида бугунги файзиёб кунларимиз ортида Президентимизнинг инсонпарвар сиёсати, ҳар томонлама пухта ўйланган самарали тизим, эл-юрт хизмати йўлида камарбаста инсонларнинг матонатли меҳнати турганини англаш мушкул эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ва унинг манфаатлари асосига қурилганки, бу, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг тинч ҳамда муносиб яшашдек олий ҳуқуқларини таъминламоқда.

Бу жараёнда фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам устувор вазифалардан саналади. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ва ҳудудларини табиий, техноген ҳамда экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга йўналтирилган тизим буткул янгиланиб, босқичма-босқич такомиллаштирилди. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро, хорижий экспертлар томонидан эътироф этилаётгани замирида чуқур ўйланган ислоҳотлар, тизим моддий-техник таъминотини замонавий илм-фан ютуқларига ҳамоҳанг равишда янгилаш, пировардида, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик мужассамдир.

### Соҳа ривожига қўйилган пойдевор

БМТ маълумотига кўра, ўтган йигирма йилда дунёда фавқулодда вазиятлар туфайли 600 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган. Табиий офат, техноген ва экологик хусусиятли талафотлардан жабр кўрган ҳамда бошпанасиз қолган инсонлар эса 4 миллиарддан ортиқни ташкил этади.

Мамлакатимизда ўтган йилларда фуқароларни эҳтимолий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишончли миллий тизимни яратиш йўлида кўлами ва моҳиятига кўра, салмоқли ишлар амалга оширилгани ўз натижасини бермоқда. Шу ўринда, истиқлолнинг илк кунлариданоқ, мамлакатимиздаги Фуқаро мудофааси штаби ва унинг жойлардаги бўлинмалари қайта кўриб чиқилиб, фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилганини таъкидлаш жоиз. Дастлаб мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибида Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида фаолият кўрсата бошлаган бўлса, 1996 йил 4 мартда ушбу бошқарма негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилингани соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йили соҳада янги ривожланиш даври бошланди. Ўша йилнинг 10 апрель куни Президентимиз "Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги фармон ҳамда "Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Бу ҳужжатлар асосида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини 2019-2021 йилларда такомиллаштиришга қаратилган "йўл харитаси" тасдиқланди. Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, унинг ҳудудий ва таркибий тузилмалари ҳамда Ёнғин хавфсизлиги институти Ички ишлар вазирлигидан, Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати Мудофаа вазирлигидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

Ёнғин хавфсизлиги институти Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясига айлантирилиб, кадрлар тайёрлаш замон талаблари асосида тубдан такомиллаштирилди. Академия ҳузурида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчиларни тайёрлайдиган ихтисослаштирилган лицей ташкил этилди.

Ўтган йигирма беш йил мобайнида вазирлик томонидан аҳоли ҳаёти, саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш сингари аниқ, кенг кўламли вазифалар изчил рўёбга чиқарилди ва бу жараён давом этмоқда.

Энг муҳими, кейинги йилларда барча ҳудудларда ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, сувда-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ҳамда техноген ҳалокатлар, трансчегаравий кўринишдаги фавқулодда вазиятларга қарши чора-тадбирларни тезкор, самарали амалга ошириши учун энг илғор "Holmatro", "Scubapro" қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникалар билан таъминланди.




Бугунги кунда тизимда фойдаланилаётган махсус тезкор авария-қутқарув транспортларининг қарийб 60 фоизи Самарқанд, Андижон ва Хоразмда ишлаб чиқарилган "Isuzu", "MAN", "Damas" автомобилларидан иборат. Бу автомобиллар ўтган вақт мобайнида барча стандартларга жавоб бериши ва ҳар томонлама қулайлигини намоён қилди. Кейинги йилларда уларга дунё миқёсида қизиқиш ортмоқда. Кўплаб халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё, Европа давлатларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қутқарув-транспорт воситаларини харид қилиш учун шартномалар имзолаётгани ва улардан андоза олиш таклифини билдираётгани фикримиз исботидир.



### Қутқарувчилар сафида довюрак ёшлар

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қутқарув хизмати сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Қутқарувчилар сафига малакали спортчилар, довюрак, шижоатли ёшлар жалб қилинди.

Аҳолини фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш тизимини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида ёндашилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида 30 мингга яқин, Қутқарувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида мингга яқин ҳамда ҳудудий Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида 661 мингдан ортиқ тингловчи қайта тайёрлаш курсларида ўқитилди.

Шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда қутқарув тузилмалари маҳоратини ошириш мақсадида қўмондонлик-штаб ҳамда тактик-махсус ўқув машқлари ташкил қилинмоқда.

### Довондаги кўмакчиларимиз

Халқаро аҳамиятга эга "Тошкент — Ўш" автомобиль йўлидаги "Қамчиқ" довони мамлакатимизни қўшни давлатлар билан боғлабгина қолмай, муҳим сиёсий-иқтисодий ҳамда стратегик вазифани ҳам бажаради.

Довон йўли қишин-ёзин серқатнов бўлиб, ёз кунлари автомагистраль йўналиши бўйлаб бир кеча-кундузда ўн беш мингдан йигирма беш минггача транспорт воситалари қатнови кузатилади. Қиш мавсумида ушбу ҳудудда қорли тоғлар чўққисидан қуёшнинг заррин нур сочиб турганини кўрсангиз, зум ўтмай, қуёшли лаҳзалар қаҳратон изғиринга, қор бўронига айланиши мумкин. Натижада йўлларнинг қор билан қопланиши, баланд қоялар устидан қор ўпирилиб тушиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келади. Шу нуқтаи назардан, вазирлик томонидан эҳтимолий фавқулодда вазиятларда фуқароларга зарур кўмак бериш мақсадида довоннинг энг баланд қисмида ("Тошкент — Ўш" йўлининг 173-километри) "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди фаолияти йўлга қўйилди.

Тоғ ён бағрида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи вазирлик ҳамда идоралардан тузилган механизациялашган гуруҳлар кечаю кундуз иш олиб бормоқда. Бу ерда ташкил этилган Идоралараро бирлашган штаб довон орқали автомобиллар ва йўловчиларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш чора-тадбирларини йўлга қўйган.

### Огоҳ ва хабардор инсон ҳамма учун фойдали

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари қошидаги қайта тайёрлов марказлари томонидан турли техноген хавф мавжуд бўлган иқтисодий объектлар ва улар атрофида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида доимий ўқув машғулотлари ўтказиб келинаётир. Натижада кўплаб талафотларнинг олди олиниб, юзлаб инсонларни хавф-хатардан асрашга эришилмоқда.

Мисол учун, 1998 йилнинг 12 майида Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Лангар қишлоғида ҳажми 22 миллион куб метрга тенг катта ер кўчкиси содир бўлиб, натижада бир мактаб биноси, 48 хонадонга жиддий шикаст етди. Шундан 22 хонадон кўчки остида қолди. Вазирлик ходимларининг ҳушёрлиги, табиий офатлар чоғида ҳаракат қилиш тизимининг яхши йўлга қўйилгани, авария-қутқарув кучларининг саъй-ҳаракатлари, назорат қилувчи постларнинг кечаю кундуз ишлаши ўз натижасини берди. Ўшанда бу офатдан бирор инсон тугул, уй ҳайвонига ҳам зиён етмади. Катта ҳажмдаги ер кўчкиси шу ҳудуддан оқиб ўтувчи Лангар дарёсини ва автомобилларнинг қатнов йўлини тўсиб қўйган эди. Фуқаро муҳофазасининг тезкор хизматга доимо шай туриши туфайли автомобиль йўли очилиб, сунъий кўл пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

Республикамизнинг юқори тоғли ҳудудларидаги мавжуд кўллар, қор захиралари аҳволи ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган ер кўчкиларининг олдини олиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Гидрометеорология хизмати, Давлат геология қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ёрдамида юзлаб аэрокузатувлар амалга оширилди. Ёриб чиқиш хавфи мавжуд бўлган кўлларнинг ҳолатини кузатиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари ҳамда "Бошгидромет" хизмати мутахассисларидан иборат кузатув постлари ташкил этилгани яна бир диққатга молик жиҳатдир.

### Камёб марказ — бизнинг фахримиз

2011 йили Зилзилани симуляция қилиш маркази ишга туширилиши фуқаро муҳофазасига қаратилган устувор эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Чунки дунё бўйича 20 дан ортиқ давлатларда зилзилани симуляция қилиш қурилмалари мавжуд бўлгани ҳолда, биздаги каби зилзилани симуляция қилиш қурилмаси, ўқитувчилар хонаси, ўқув синфларидан ташқари анжуманлар зали, зилзила тарихи музейи, намойишлар зали, тиббиёт ва релаксация хоналарини ўз ичига олувчи бундай мажмуа саноқли давлатлардагина бор.

Бу марказни халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик журналистлар ҳам келиб кўрди ва юқори баҳо бериб, катта қизиқиш билдирди.

Бу ерда ўқишга жалб қилинган тингловчилардан ташқари, турли ташкилот ва корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ёшлар, маҳалла фаоллари тайёргарликдан ўтказилмоқда.

### Эл-юрт осойишталигига ҳисса қўшаётган аёллар

Сержант Нодира Умарова Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётганига 20 йилдан ошди. Айни пайтда вазирликнинг фавқулодда вазиятларда бошқарув марказида навбатчи-оператор бўлиб ишлайдиган Нодира сингари жасур, фидойи аёлларнинг сафи кенг.

Таъкидлаш жоизки, вазирликнинг муҳим бўғинларидан бири — алоқа ва хабар бериш тармоғида хизмат вазифасини бажараётган хотин-қизлар ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирган тажрибали мутахассислар ҳисобланади.

Қолаверса, қидирув-қутқарув отрядлари таркибида ҳам жасоратли аёллар борлиги, улар фуқаро муҳофазасини таъминлашдек машаққатдан четда турмай, ҳамиша хизматга шайлиги ибратлидир.

— Мамлакатимизда аёлларнинг ўзи қизиққан соҳа бўйича билим олиб, салоҳиятини намоён этишига имконият яратилганини, эл-юрт осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётганини ҳарбийлаштирилган тузилмаларда фаолият юритаётган опа-сингилларимиз тимсолида ҳам кўриш мумкин, — дейди "Олмос" алоқа тармоғи катта оператори, оддий аскар Барнохон Иноятова. — Мен ҳам болалигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим. Мана, салкам ўн етти йилдан буён хизматдаман. Камтарона меҳнатимиз ҳамиша рағбатлантирилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Жумладан, вазирлигимиз ҳарбий хизматчиларига фойдаланишга топширилган янги кўп қаватли турар жой хонадонларидан бири бизнинг оиламизга ҳам насиб этди. Бундан жуда мамнунмиз.

### Муҳофаза кунда керак

Яна бир асосий масала. Мамлакатимизда ёш авлоднинг она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, уларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам муайян саъй-ҳаракатларга кенг ўрин ажратилаётир.

Хусусан, юртимиздаги таълим муассасаларида "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клублари ташкил этилиб, улар ўртасида уч босқичли мусобақалар йўлга қўйилди. Бундай тадбирлар ёшларимизда экстремал вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, нафақат ўзи, балки ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш учун тезкор қарорлар қабул қилиш, мустақил фикрлаш, керак бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасини мустаҳкамлаши баробарида қутқарув тузилмалар захирасини яратиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ишларнинг қамрови кенгайиб, салмоғи ошиб боряпти. Айниқса, соҳада малакали кадрлар жамланаётгани диққатга сазовор. Мардлик, матонат, ўз ишининг профессионал асосини чуқур билиш, тезкор ҳаракат қилиш, сафарбарлик ҳисси ҳарбий хизматчиларимиз фаолиятининг энг муҳим мезони бўлиб қолаверади.

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# Навоийнинг интенсив боғлари

**Зулфия БОБОЕВА,**
**"Ўзагроинспекция" Навоий вилояти бошқармаси бош инспектори**



**Хатирчи тумани азалдан узумзор боғлари ва майизи билан машҳур. Жорий йилда бу ерда 1 690 гектар майдонда токзор ҳамда 540 гектар ерда боғ барпо этиш режалаштирилган. "Кўксарой" маҳалласида жойлашган "Зарафшон голден сити" фермер хўжалигида бу йил 100 гектар майдонга 111 000 дона ток экиш ҳисобига узумзор яратишни мўлжаллаган бўлса, ҳозирга қадар унинг учдан бирига қора кишмиш нави экилди.**

"Triumf fruitgardens" фермер хўжалигида барпо этилаётган 40 гектар боғнинг қарийб ярмига олманинг голден делишес интенсив нави кўчатлари ўтқазилди.

Фермерлар интенсив боғ афзаллигини яхши билади. Ҳосилга тез кирадиган мевали дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун уларга ишлов бериш, суғориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевасини териш ўта қулай. Бундай боғларда ниҳоллар танасига ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши яхши бўлгани учун мевасининг сифати юқори бўлади. Оддий олмали боғнинг бир гектаридан 10-20 тоннагача ҳосил етиштириш мумкин. Пакана ва ярим пакана дарахтлардан эса 50-80 тоннагача ҳосил олса бўлади. Қуёш нурлари тушиш даражаси ва фотосинтез жараёни яхши кечгани сабабли ҳам маҳсулдорлиги юқори.

— Туманимизда жорий йил 198 нафар фермер ва тадбиркор томонидан интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этилади, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Хатирчи тумани бўлими катта инспектори Жамолиддин Бобомуродов. — Ерни сифатли тайёрлаш, кўчат ўтқазишда уни сертификатланганига аҳамият қаратиш, зарур агротехник тадбирларни кечиктирмай вақтида ўтказиш бўйича фермер ва тадбиркорларга тавсиялар беряпмиз, яқиндан кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки кўкламнинг бир куни йилга татийди. Қир-адирлардаги майдонларни экишга тайёрлаш билан бирга, тик қудуқлар қазиш, электр тармоқларини тортиш ишлари давом этяпти.

Нурота туманида эса 635 гектар майдонда янги боғ, 1 045 гектар ерда токзор барпо этилади. "Nurota Golden Grapes" МЧЖ томонидан яратилаётган 40 гектар узумзорга томчилатиб суғориш технологияси ҳам ўрнатилди.

— Токзоримизга экилган кўчатлар уч йилда ҳосилга киради, — дейди жамият раҳбари Шарофат Эломонова. — Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши кафолатланган. Пировард мақсадимиз — узумни қайта ишлаш ва чет элга экспорт қилиш.

Навоий вилоятида жорий йилда 7 012 гектар майдонда интенсив боғ ва узумзор яратиш, 724 гектар токзор, 579 гектар боғда томчилатиб суғоришни жорий этиш режалаштирилган. Бу ишлар 160 дан ортиқ фермер хўжалигида амалга оширилади. Шу боис, уларнинг ажратилган ерларни кўчат экишга тайёрлаш ва ҳосилдор навларни етказиб бериш тадбирлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан назорат остига олинган. Жумладан, боғ яратиш учун бугунги кунга қадар 2,6 миллион тупдан ортиқ кўчат зарур бўлиб, унинг ярмидан кўпи етказиб берилди. Бунда "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятлари билан шартномалар тузилаётгани қўл келяпти.

Токзорлар барпо қилиш учун эса талаб қилинадиган 4,3 миллион туп кўчатнинг 2,8 миллион донаси фермер ва тадбиркорларга етказиб берилди. Шу пайтга қадар 1,5 минг гектардан ортиқ майдонда токзорлар барпо этилди.

Президентимизнинг жорий йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2021 йил 31 декабрга қадар маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга улар қийматининг 20 фоизигача давлат бюджетидан қоплаб берилиши белгилангани фермер ва тадбиркорларни баҳорги кўчат экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга рағбатлантиряпти.

Қолаверса, шу ой бошидан "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ривожлантириш учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли давр эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилди. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатга кўра, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини харид қилиш учун ажратиладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоиз харажатларини қоплаш учун миллий валютада кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан, хорижий валютада кредитлар бўйича — белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация тақдим этилиши мўлжалланмоқда. Бу боғбон ва соҳибкорларга молиявий кўмак бўлиши баробарида янгидан-янги инновацион режаларни ҳаётга татбиқ этишга бўлган ишончини янада оширади.

БОҚИЙ МЕРОС

# АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ БОЙ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

## замонавий илм-фан ривожи учун пойдевордир



**Бобурмирзо БОТИРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти**

**Ислом динини халқимиз диний таълимот сифатида қабул қилиш баробарида уни илмий жиҳатдан юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди. Бу билан ўрта асрларда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик фақиҳ аллома ва мутафаккирлардан бебаҳо манбалар мерос қолди. Ўзбекистон китоб фондларида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланаётгани, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилгани фикримиз далилидир.**

Чиндан ҳам Ўзбекистон тарихини асрлар оша етиб келган ёзма мерос асосида холисона ва чуқур ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу мероснинг салмоқли қисмини ватанимиздан етишиб чиққан олимларнинг асарлари ташкил этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо, маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятлари ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Хусусан, жаҳон илм-фани учун Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган олимлар, фақиҳлар меросини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Улар томонидан ёзилган фиқҳий асарлар эса ҳозирги вақтда ҳам илмий даргоҳларда ислом фиқҳи бўйича дарслик вазифасини ўтамоқда. Бу Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини ўрганишга жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда миллий қадриятларимиз ва муқаддас ислом динига оид анъаналарнинг янада ривожланиши халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишида муҳим омиллардан бирига айланди.

Президентимиз 2017 йил 24 май куни имзолаган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда белгиланганидек, юртимизда камол топган ислом оламининг мутафаккирлари асарлари ва уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, ёш авлодни алломаларимиз ҳаёти ва илмий мероси билан яқиндан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат, миллий ғурур ва фахр туйғуларини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, 2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги йиғилишда давлатимиз раҳбари "Самарқандда — Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада — Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода — Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади. Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бири билан ҳамоҳанг бўлмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб бериш осон бўлмайди. Бу борада алломалар илмий меросига юзланишимиз, уларни ўрганишимиз ҳар қандай саволларга жавоб топиш имконини бера олади.

Юртимизда дунёвий ва диний қадриятлар ривожига муносиб ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан ҳамда уларнинг асарлари бугунги кунда ҳам тадқиқ этилмоқда. Масалан, Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ", "Ал-адаб ал-муфрад", Абу Наср Форобийнинг "Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ас-саодат", Абу Мансур ал-Мотуридийнинг "Китоб ат-тавҳид", Ибн Синонинг "Китоб ал-қонун фит-тибб", Берунийнинг "Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия" Абул Қосим аз-Замахшарий "Муқаддимат ул-адаб" каби асарлар салмоқли ўрин тутади.

Ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлган, бу соҳада беқиёс дурдоналар яратган Бурҳониддин ал-Марғиноний "Бидоят ал-мунтаҳий" ("Бошловчилар учун дастлабки таълим"), "Кифоят ал-мунтаҳий" ("Якунловчилар учун тугал таълим"), "Китоб ул-мазид" ("Илмни зиёда қилувчи китоб"), "Мажма ул-навозил" ("Нозил бўлган нарсалар тўплами") ва бошқа асарларида дунёвий ва диний илмларнинг уйғунлигини кўрсатиб ўтган. Алломанинг "Ҳидоя" китоби бутун дунёга маълум ва машҳур саналади. Мазкур китобда ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалаларни, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятига тааллуқли жуда кўп мураккаб муаммоларни ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳал этиб берди. Ушбу китоб фиқҳ илми бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар бўлган. Ундан асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича нуфузли ҳуқуқий манба — асосий қўлланма сифатида фойдаланилган.

Бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборат.

Замонамизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, **"...маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрини англаб етади".**

Мухтасар айтганда, алломаларимиз ҳаётига доир яна бошқа маълумотларни аниқлаш ва уларнинг ўша даврда Мовароуннаҳрда рўй берган сиёсий-ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсирини, асарларининг бугунги кун нуқтаи назаридан аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этиш фойдадан холи бўлмайди. Уларнинг илмий меросида соғлом эътиқод, теран фикр, тўғри талқин ислом таълимотини тушунишда катта омил саналади. Зеро, диннинг вазифаси тўғри йўлга мулойимлик ва насиҳат ила чақиришдан иборат.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ



# ЎСМАТ ОТА КИМ БЎЛГАН?

**Мовароуннаҳр тарихи, маданияти ва маънавиятини юксак даражага кўтаришда самарқандлик алломаларнинг ўрни беқиёс бўлган.**

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари**

Бу соҳада нафақат Самарқанд шаҳри, балки унга туташ қишлоқлардан етишиб чиққан муҳаддис, фақиҳ, мутакаллимларни ҳам тилга олиб ўтиш мумкин. Шундай алломалардан бири ўз даврининг машҳур фақиҳи ва мутакаллими Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандийдир. У ўзидан асло долзарблигини йўқотмайдиган улкан илмий мерос қолдирди. "Лубоб ул-калом" (Калом илмининг жавҳари), "Тариқат ул-хилоф фил фиқҳ байнал аиммат ал-аслоф" (Ўтган уламолар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилоф йўллари), "Базл ан-назари фил усул" (Фиқҳ асосларига чуқур назар) ва "Мийзон фи усул ал-фиқҳ" (Усули фиқҳда мезон) каби асарлари бизгача етиб келган. Асосан Туркия, Миср ва Уммон тадқиқотчилари томонидан батафсил ўрганилиб, нашр этилган.

Алломанинг тўлиқ исми Абулфатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, манбаларда у зот 1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири — Усмандда туғилиб, 1157 йили 64 ёшида шу ерда вафот этгани айтилади.

Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг "Асманд" ёки "Усманд" деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган.

"Усманд" атамаси вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида "Усмат"га айланган. Буни вилоят марказидан етмиш километр узоқликда жойлашган шу номли шаҳарча ҳамда туман марказида, Қўрғонтепа пойида Ўсмат ота зиёратгоҳи мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бахмаллик ёзувчи Саййид Азим тарихчи олимлар Олимжон Жўраев ва Жалолиддин Жўраев фикрига таяниб, Ўсмат ота қабрини ўсматлик машҳур фақиҳ, ўз даврида шариат қонунларининг йирик билимдони ҳисобланган Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий номи билан боғлайди.

Алоуддин Усмандий қатор исломий илмлар, айниқса, фиқҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган илм ал-хилоф (мунозара илми) бўйича етук олим ҳисобланган. У илм аҳли орасида кечадиган баҳс-мунозараларда чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам илм аҳли орасида "Оламнинг устуни", "Устун", "Диннинг устуни" каби юксак унвонлар билан машҳур бўлган. Аллома ўзидан улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, ҳаммаси араб тилида ёзилган. Манбаларда аллома ҳаёти давомида исломнинг калом, мунозара илми, тафсир ва усули фиқҳ соҳаларига оид ўн учта ноёб асар ёзгани баён этилади. Бизгача олтита асари етиб келган бўлиб, нусхалари жаҳон қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Алломанинг мотуридия калом мактаби қарашларини ўзида акс эттирган "Лубоб ул-калом" номли шоҳ асарининг икки қўлёзма нусхаси сақланиб қолган. Улардан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Қора Чалабийзода бўлимида сақланади. Бу асарнинг энг қадимий нусхаси бўлиб, у араб ҳарфлари билан нуқталарсиз, настаълиқ хатида ёзилган. Китоб Али ибн Нажмуддин исмли хаттот томонидан 1303 йилда — аллома вафотидан қарийб бир ярим аср ўтгач кўчирилган. Асар туркиялик олим доктор Муҳаммад Саид Узерварли томонидан тадқиқ этилиб, 2005 ва 2019 йилларда нашр этилди.

Асарнинг иккинчи қўлёзма нусхаси эса Сулаймония кутубхонаси Шаҳид Али Пошо бўлимида сақланади. Бу нусха хаттот Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо томонидан 1412 йили настаълиқ хатида кўчирилган.

Ҳанафия мазҳаби мотуридия эътиқодига асосланган мазкур асар муқаддимасида муаллиф уни ёзишдан кўзланган мақсад эътиқодни соғломлаштириш ва тузатиш эканини билдириб ўтади. Кўплаб бўлимлардан ташкил топган "Лубоб ул-калом"да, энг аввало, илм турлари, инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдириб ўтилади. Ушбу асарда тўғри маълумотларга эга бўлиш учун оламни билиш керак, дейилади. Беш сезги аъзоси, ишончли хабарлар берувчи манбалар (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) ҳамда инсоннинг ақл-идроки ва салоҳияти муҳим вазифа касб этиши алоҳида таъкидланади.

"Лубоб ул-калом" асари Имом Мотуридийнинг "Тавҳид" ва "Таъвилот ул-Қуръон", Абу Муин Насафийнинг "Табсират ул-адилла" асарларида ўз аксини топган аҳли сунна вал жамоа ақидасини кенг тарғиб этишда ўзига хос манбадир. Уларда илгари сурилган мавзуларнинг "Лубоб ал-калом"да ҳам ўз ифодасини топгани фикримиз далили. Зеро, бу асар, муаллиф айтганидек, эътиқодни тузатишни бошловчи кишилар учун ҳидоят манбаи бўлсин, деган мақсадда ёзилган.

Усмандийнинг "Лубоб ул-калом" асари ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, ботил даъволарни илгари сураётган оқимларга қарши ғоявий зарба беришда қўл келадиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Алоуддин Усмандийнинг Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг кенг ёйилишига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, Бахмал туманидаги Ўсмат ота зиёратгоҳини зиёрат туризми объектига айлантириш мақсадга мувофиқ.

# ИЛМ — ЗАКОВАТНИНГ ЧИРОҒИ

**Лазиз ТЎРАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти**

**Кейинги пайтларда ижтимоий-сиёсий нутқимизда, оммавий ахборот воситаларида, илмий, оммабоп мақолалар, интервьюлар, суҳбатлар ҳамда анжуманларда "Ренессанс" ибораси кўп қўлланилмоқда.**

Кишилик тамаддуни тарихини таҳлиллар асосида тизимли ўрганган илм кишиларининг таъкидлашича, илк Ренессанс — уйғониш даври Ғарбий Европадан илгари Марказий Осиё, тўғрироғи, қутлуғ диёримиз Мовароуннаҳр ҳудудларида вужудга келган.

Юртимизда кечган биринчи уйғониш — илк Ренессанс даври IX-XII юз йилликларни ўз ичига олган. Бу даврни швейцариялик профессор Адам Мец "Мусулмон Ренессанси", рус шарқшуноси, академик Николай Конрад эса "Шарқ Уйғониши" истилоҳлари билан аташган. IX-XII асрларда жамиятнинг барча соҳаларида катта кўтарилиш юз берди. Таълим, иқтисодиёт, маданият, маърифат, тиббиёт, ҳарбий ва маънавий соҳалар юксалди. Марказий Осиёда ўша пайтлари ҳукмронлик қилган сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар илму фан ва маданият тараққиёти учун эътиборга молик ишларни амалга оширди. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, ташаббуси билан Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Термиз сингари кентларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, янги мадрасалар, масжидлар, мақбаралар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, академиялар, қалъаю саройлар қурилди. Бу илмий марказлар ва мадрасаларда жаҳон таниган улуғ алломалар Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Наср Форобий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий сингари юзлаб мутафаккирлар фаолият юритган.

Бу қутлуғ масканларда яқин ва узоқ ўлкалардан келган минглаб илми толиблар таълим ва тарбия олиб, етук мутахассислар бўлган. Биргина Хоразм Маъмун академиясида ўнлаб олимлар самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борган, улар томонидан илм-фаннинг турли жабҳаларида юзлаб асарлар, китоблар ёзилган. Ҳозирда ҳам мазкур бой илмий ва маънавий мерос ўз қадрини йўқотган эмас, дунёнинг нодир кутубхоналарида сақланиб келинади.



Ўлкамиздаги иккинчи Ренессанс даври эса XIV-XV асрларга тўғри келади. Марказий Осиёда Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даври эди. Хусусан, Амир Темур, Шоҳруҳ мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида жамият тараққиётининг барча соҳалари, айниқса, илму маърифат, бунёдкорликка катта эътибор берилган. Мовароуннаҳр ўша кезлар дунёнинг илму ирфон, таълим, маърифат ва маданият ўчоғи эди.

Самарқанду Бухоро, Насафу Кеш, Термизу Ҳирот сингари ўнлаб шаҳарларда илм-фан юксак мақомга кўтарилди. XV асрга келиб, Самарқандда Мирзо Улуғбек илмий мактаби вужудга келди. Айни шу даврларда Қозизода Румий, Жамшид ал-Коший, Муҳаммад Ҳавофий, Али Қушчи каби табиий ва аниқ фанларнинг тадқиқотчилари, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Саккокий, Лутфий каби ижодкорлар, Шарофиддин Али Яздий, Ҳофиз Абру, Мирхонд ва Хондамир сингари тарихчи олимлар, Камолиддин Беҳзод, Мирак наққош каби рассомлар етишиб чиққан. Бу олимларнинг саъй-ҳаракати натижасида темурийлар салтанати дунёнинг етакчи илмий ва маърифий марказларидан бирига айланди.

XXI юз йилликка келиб, Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида ҳамда ҳозирда юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятда юртимиздаги бу икки юксалиш даврларидаги муҳим воқеа-ҳодисаларга, эришилган натижаларга, улуғ алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларига ўз эътиборини қаратган ҳолда Президентимиз Ўзбекистонда янги уйғониш — Учинчи Ренессанс даврининг пойдеворини қуриш ғоясини ва унинг айни вақти келганлигини илгари сурмоқда. Чунончи, парламент ва халқимизга йўлланган Мурожаатномада ҳам: **"Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим",** дея алоҳида таъкидланди.

Бу фикрлар амалий ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Юртимиздаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, қатор олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Адиблар хиёбони, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази воқеликка айланмоқда. Бундай илмий масканларда ҳам пухта ва замонавий билимларни эгаллаган, ахборот технологиялари билан тиллаша оладиган фаол ёшлар — янги Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар етишиб чиқса, ажаб эмас.

Шу ўринда, Хоразм элидан етишиб чиққан буюк аждодимиз Маҳмуд Замахшарийнинг илм олишга оид ҳикматларини келтиришни жоиз деб топдик. "Ким комил инсон бўлишни истаса, ҳам олим, ҳам омил (амал қилувчи) бўлсин". Ёки "Илм қалбнинг нодонликдан фориғ бўлиши, заковатнинг чироғи, зулматда нур, заиф баданда қувватдир, илм билан инсон олий даражадаги ахборотлар манзилига етишади".

Аллома яна шундай ёзади: "Кечаги иззат-шарафга қаноатланма, у отангнинг топгани. Сен унга янгисини қўш, шунда икки шарафга эга бўласан. Модомики, ўз обрўйингни кўз-кўз қилмаётган экансан, отанг топган обрў билан ҳам ғурурланма. Чунки ўзингда улуғлик ҳосил этмаган экансан, отангнинг улуғлигидан сенга фойда йўқ. Сенинг топган шарафинг билан отанг топган шараф ўртасидаги фарқ — бугунги ризқинг билан кечаги ризқинг ўртасидаги фарқ мисолидир. Кечаги ризқ бугунги очликни кетказадими? Ҳеч ҳам кетказмайди". Замахшарий фикрларининг айни жиҳатига эътибор қаратилса, фақатгина аждодлар мероси билан фахрланмасдан, аксинча, илму маърифатга бўлган эътиборни бир дақиқа ҳам сусайтирмаслик керак бўлади. Шундагина, юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ҳақидаги ғоялар воқеликка айланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 689.
11453 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 22:15 Топширилди — 00:35